Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№48

2024-yil
27-noyabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



Давлат бюджети:

# 52 ФОИЗИ ИЖТИМОИЙ СОҲАГА

**Кеча Қонунчилик палатасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кўпчиликка янги сайланган депутатларнинг катта сиёсий жараёнда ўзини қандай тутиши қизиқ бўлди.**

Мажлисда таъкидланганидек, биринчи кўриб чиқилган ҳужжат аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида маданий ҳордиқ масканларини, уларнинг ерларини ҳамда ушбу ерлардаги бино-иншоотни бегоналаштиришни, маданий ҳордиқ масканлари ҳудудини қисқартириш, уларда бино-иншоот қуриш (енгил турдаги объектлар бундан мустасно) ёки мавжуд бино-иншоотни қурилиш ости майдонини кенгайтиришни тақиқлаш назарда тутилмоқда.

Асосийси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан “Ботаника боғлари” муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритиляпти. Бундай боғлар ва уларнинг ҳудудида бино-иншоотлар қуриш ёки қурилиш ости майдонларини кенгайтириш тақиқланмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг концепцияси долзарб аҳамият касб этишини қайд этиши билан биргаликда, қонунни тўғридан-тўғри ишлаши учун унга бир нечта тузатишлар, баъзи бандларга эса аниқлик киритиш кераклигини ҳам айтиб ўтишди.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб беришди. Лекин шу билан биргаликда иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қилиниши керак бўлган ишлар ҳам санаб ўтилди.

2 САҲИФАДА

# “Суяги кимга?..”

## бола меҳр ва эътиборга муҳтож, калтакка эмас...

**ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА САМАРҚАНДДА 8-СИНФ ЎҚУВЧИСИ БЎЛГАН ҚИЗ БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎҒИРЛАБ КЕТИЛГАНИ ВА ЗЎРЛАНГАНИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР ТАРҚАЛДИ. КЎП ЭМАС, БУНДАН БИР НЕЧА КУНЛАР АВВАЛ БУХОРО ВИЛОЯТИ ШОФИРКОН ТУМАНИДА ОНА ЎЗИНИНГ 9 ЁШЛИ ҚИЗИГА ҚЎЛЛАРИ ВА ЮЗ ҚИСМИГА ТЕМИР КАПГИР БИЛАН ЖАРОҲАТ ЕТКАЗГАНИ БИЛАН БОҒЛИҚ НОХУШ ҲОЛАТ ҲАМ КЎПЧИЛИКНИНГ ДИЛИНИ ХИРА ҚИЛГАН ЭДИ. ЧЕТ ЭЛДА ЮРГАН ТУРМУШ ЎРТОҒИ БИЛАН ЖАНЖАЛЛАШИБ, УНГА ЖАҲЛ ҚИЛИБ, БОЛАСИНИ ҚИЙНАЁТГАН ОНАЛАР ҲАМ БОР. ФАРЗАНДИНИ БЕШИККА БОҒЛАГАН ҲОЛДА ТАЁҚ ВА БОШҚА ЖИСМЛАР БИЛАН КАЛТАКЛАГАН АЁЛГА АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ҚАЙСИДИР БОҒЧАДА ТАРБИЯЧИ БОЛАЛАРНИ КАЛТАКЛАГАНИ ҲАҚИДА ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ХАБАРЛАР ТАРҚАЛИБ ТУРАДИ. ҚАНЧАЛАР АЯНЧЛИ!**

Эсингизда бўлса, Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманидаги 12 ёшли қизнинг зўрланиши ва ўлдирилиши, Фарғонада 11 ёшли қизчанинг мурдаси зўрлаш ва қотиллик аломатлари билан топилгани, Хоразмдаги болалар уйидаги уч нафар қизга бўлган тажовузлар... Бу ҳали ҳаммаси эмас. Болалар билан боғлиқ бундай шафқатсиз воқеалар кўп, улар йиғисининг, мурғак юраклар қайғусининг адоғи йўқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг ярмидан кўпи зўравонликнинг қандайдир кўринишини бошдан кечиради. Ўтган йили ўтказилган Мультииндикатор кластер кузатуви (МИКС) шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 3 нафар боладан 2 нафари (62%) зўравонлик билан тарбиялаш усулларини бошдан кечирган (жисмоний жазо ёки психологик тажовуз), 15-19 ёшли қизларнинг эса 33 фоизи эр ўз хотинини калтаклашга ҳақли, деб ҳисоблайди.

Булар шунчаки статистика эмас. Ҳар бир рақам ортида қанчадан-қанча руҳий зўриқишларга, хўрликларга дуч келган болалар тақдири турибди. Гўдак руҳиятидаги бу чандиқлар битиши даргумон. Ҳар бир бола қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзи учун хавфсиз ва қулай бўлган муҳитда ўсиши керак. Бу – унинг олий ҳуқуқи.

6 САҲИФАДА

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбари иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

**Президентимиз парламентда депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режалар, илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома, дея таъкидлади.**

**Қуйида Халқ демократик партияси вакиллари мазкур Мурожаатнома юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.**

3

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**2024 ЙИЛ 19 НОЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЯНГИ САЙЛАНГАН ТАРКИБДАГИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИБ, ЮҚОРИ ПАЛАТА ОЛДИДА ТУРГАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.**



5

## БУГУНГИ СОНДА

### “КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ” ФАРЗАНДЛАРИ КИТОБСЕВАРМИ?



7

### НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАШКИЛОТЛАРИ БАРЧА СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2024 ЙИЛ 22 НОЯБРЬ КУНИ «ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УШБУ ҲУЖЖАТ НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, СОҲАДА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН.**

7

### ПОЙТАХТ УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА НАРХЛАР ТУШМОҚДА

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИГА КЎРА, АҲОЛИ УЧУН ТУРЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ, ЖУМЛАДАН, АКЦИЯЛАР, ОБЛИГАЦИЯЛАР ЁКИ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ КАБИ ИМКОНИЯТЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЖАМҒАРМАЛАРНИ УЙ-ЖОЙГА ИНВЕСТИЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ КУЗАТИЛАДИ.



8

## Давлат бюджети:

# 52 ФОИЗИ ИЖТИМОЙ СОҲАГА



**Кеча Қонунчилик палатасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кўпчиликка янги сайланган депутатларнинг катта сиёсий жараёнда ўзини қандай тутиши қизиқ бўлди.**

**Мажлисда таъкидланганидек, биринчи кўриб чиқилган ҳужжат аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.**

**Депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида маданий ҳордиқ масканларини, уларнинг ерларини ҳамда ушбу ерлардаги бино-иншоотни бегоналаштиришни, маданий ҳордиқ масканлари ҳудудини қисқартириш, уларда бино-иншоот қуриш (енгил турдаги объектлар бундан мустасно) ёки мавжуд бино-иншоотни қурилиш ости майдонини кенгайтиришни тақиқлаш назарда тутилмоқда.**

**Асосийси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилмоқда.**





Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан “Ботаника боғлари” муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритиляпти. Бундай боғлар ва уларнинг ҳудудида бино-иншоотлар қуриш ёки қурилиш ости майдонларини кенгайтириш тақиқланмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг концепцияси долзарб аҳамият касб этишини қайд этиши билан биргаликда, қонунни тўғридан-тўғри ишлаши учун унга бир нечта тузатишлар, баъзи бандларга эса аниқлик киритиш кераклигини ҳам айтиб ўтишди.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб беришди. Лекин шу билан биргаликда иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қилиниши керак бўлган ишлар ҳам санаб ўтилди.

Йиғилишда “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг концепциясини тушунтириш учун Бош вазир ўринбосари – Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров маъруза қилди.

Қайд этилишича, жорий йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 6 фоизга ўсиши кутилмоқда. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми – 19,8 фоизга, экспорт ҳажми(олтинни ҳисобга олмаганда) – 19,1 фоизга ўсиши ҳамда инфляция даражаси 9 – 9,5 фоиз бўлиши кутилаётгани маълум қилинди. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан Бюджет тақчиллиги эса 4 фоиз атрофида бўлиши очиқланди.

Таъкидланганидек, «2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳасида давлатнинг фуқаролар олдидаги барча ижтимоий мажбуриятларини бажариш учун етарли миқдорда маблағ ажратилган, шу жумладан, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш, инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда ошириб бориш кўзда тутилган.

Қўчқоров Ўзбекистон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати келгуси йилда 2024 йилга нисбатан 6 фоиз ва аҳоли жон бошига 3251 долларни ташкил этишини маълум қилди. Шунингдек, ўсиш суръатлари саноатда 6,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,1 фоиз, бозор хизматларида 14,5 фоиз, қурилишда 14,2 фоиз, инфляция эса 7 фоиз бўлиши кутилаётган экан.

Лойиҳада аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш учун Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинмоқда.

Хусусан, ижтимоий соҳага Давлат бюджетининг 52 фоизи йўналтирилмоқда. Бунда таълимга 84 трлн, бу ўтган йилга нисбатан 13 трлнга кўпроқ дегани. Соғлиқни сақлашга 41 трлн, 2024 йилга қараганда 20 фоизга ортиқ, жисмоний тарбия ва спортга 3,3 трлн, маданий соҳага 3,8 трлн, ташаббусли бюджет лойиҳаси учун эса 6 трлн, камбағалликни қисқартиришга жами 20 трлн. сум маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида 2025 йил учун асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш орқали даромадлар базасини кенгайтириш, солиқ, божхона ва бюджет сиёсатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш кўзда тутилган.

Лойиҳада “Натижага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида бюджет харажатларини ривожлантириш дастурларига мувофиқ амалга ошириш, ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар депутатлар эътиборида бўлди.

Бош вазир ўринбосари лойиҳани ўқиб эшиттиргандан кейин депутатлар бирин-кетин саволлар йўллашди. Жумладан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова юртимизда ижтимоий соҳага ҳар доим алоҳида эътибор қаратилиши, ўтган ойда ҳам бюджет ташкилотларида ишлайдиган таълим ва тиббиёт соҳаси вакилларининг ойлик маоши 15 фоизга ошганини таъкидлади. Шу билан бирга, ойлик маош ҳали ҳам нисбатан пастлиги, оқибатда малакали мутахассисларнинг хусусий секторга ўтиб кетиш ҳолатлари кўпайганини айтиб, бунинг кейинчалик давлатнинг таълим ва тиббиёт тизимига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида сўради. Давлат бюджетини шакллантиришда давлат тиббиёт ва таълим тизимини ривожлантиришга қанчалик даражада эътибор қаратилди, деган савол билан мурожаат қилди.

Жавобда малакаси юқори бўлган, ўз ишини сидқидилдан бажараётган тиббиёт ходимларининг ойлигини кўпайтириш бўйича ҳозирча аниқ ечим йўқлиги айтилди. Шу билан бирга, бу ерда бошқа масала, кимга, нима учун юқори ойлик тўлаш масаласини ҳам ҳал этиш кераклиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга иш олиб борилаётгани таъкидланди. Юқори малакали, ўз ишига виждонан ёндашадиган, фидойи тиббиёт ходимларининг ойлиги жиддий оширилиши устида иш олиб борилаётгани маълум қилинди.

Савол-жавоблар якунига етгандан сўнг лойиҳа бўйича ҳар бир фракция ўз муносабатини билдирди.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:**

– Давлат бюджети лойиҳаси “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ равишда кучли ижтимоий сиёсатни давом эттириш бўйича аниқ чораларни акс эттирганлигини эътироф этамиз.

Тақдим этилган 2025 йилнинг Давлат бюджети лойиҳасида аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик ва даромадлар ўсишини таъминлаш, эҳтиёжманд инсонларни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида акс этмоқда. Бунда Бюджет маблағларини манзилли етказиш механизмларининг ҳам асослаб берилганини кўришимиз мумкин. Ушбу ёндашув юртимизда ижтимоий барқарорлик ва бирдамликни мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Лойиҳада Давлат бюджетининг 52 фоизи, яъни, 178 трлн. сўм ижтимоий соҳа харажатларига ажратилаётганидан партиямиз дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари ҳар тарафлама қўллаб-қувватланяпти, деган хулосага келдик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш керак, деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Давлат бюджетини шакллантиришда, аввало, давлат дастурларининг ижтимоий соҳага оид лойиҳаларини ресурслар билан таъминлаш лозим. Бу борада изчил депутатлик назоратини ўрнатиш ҳамда мазкур йўналишда ижро ҳокимияти билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, келгуси йилда солиқ тўловчилар сонининг ортиши ва яширин иқтисодиётнинг ҳажмини камайтириш ҳисобига Бюджет маблағларини ошириш бўйича ҳукумат қатъий чоралар кўриши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, ўтган давр таҳлил қилинганда республика Бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Баъзи вазирлик ва идоралар томонидан ажратилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилмаганига гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун 2025 йилда Давлат бюджети ижросини таъминлашда масъул вазирлик ва ташкилотларни назорат қилиш чораларини кучайтиришни сўраб қоламиз.

Фракциямиз аъзолари бу борада изчил депутатлик ва парламент назоратини амалга оширишини маълум қилган ҳолда, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва Бюджетнома лойиҳасини қўллаб-қувватлайди.

Мажлисда Халқ демократик партиясидан бошқа партиялар фракциялари ҳам қонун лойиҳасини қўллашини билдирди, тегишли қарор қабул қилинди.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 26 НОЯБРЬ КУНИ ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БОРИШИГА ОИД ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.**

Ҳам иқтисодий самарадорлик, ҳам одамларга қулайлик нуқтаи назаридан бу соҳада катта ўзгаришлар қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибида 6 та мустақил корхона ташкил этилди. 1 минг 200 та янги юк вагони олинди, ички йўналишда юк ташиш вақти 2 карра камайди.

Рақамлаштириш натижасида вагонга буюртма бериш 7 босқичдан 3 босқичга, бунга кетадиган вақт 72 соатдан 12 соатга қисқарди. Тошкент атрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди. Илгари зарар билан ишлаган акциядорлик жамияти бу йил 30 миллиард сўм фойдага чиқаяпти.

Авиация соҳасидаги компанияларда ҳам ўсиш бор. “Uzbekistan Airways” тизимида авиақатновлар 25 фоиз кўпайди. Маҳаллий йўналишларда самолётлар сони 8 тага етиб, ички қатновлар 2,5 баробарга ошди. Марказий Осиёдаги халқаро ташувларда миллий авиакомпаниямиз улуши 20 фоизга етди. Йиллик йўловчи ташиш кўрсаткичи 6 миллион нафардан ошиши кутилмоқда.

“Uzbekistan Airports” самолётлар, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Аэропортлар бошқарувига хусусий сектор жалб қилингани самара бераяпти. Дунёдаги 44 та авиакомпания юртимизга парвозни амалга ошираяпти. Аэропортлар орқали юк ташиш ҳажми ҳам бу йил 22 фоизга ошиши кўзда тутилган.

Лекин ҳали вазифалар кўп. Транспорт йўллари қанчалик муҳимлигини дунёдаги мураккаб вазият ҳам кўрсатаяпти.

Шу боис йўналишларни диверсификация қилиш, ташиш жараёнларини тезлаштириш, транспорт хизматлари таннархини пасайтириш жуда муҳим.

Йиғилишда шу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

– Мамлакатимизда иқтисодиёт, савдо алоқалари йилдан йилга ривожланаяпти. Аҳоли даромади, ҳудудларнинг туризм салоҳияти ҳам ошаяпти. 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсадини қўйдик. Шунинг учун транспорт “артерия”ларига алоҳида аҳамият беришимиз керак, – деди Президент.

Бунинг учун барча ҳуқуқий-ташкилий асослар яратиб берилмоқда. Ҳозиргача соҳада 25 йил олдин қабул қилинган қонун чипта нархида сезиларли ўзгариш йўқ. Харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ижроси суст.

Шу боис консалтинг компанияси жалб қилиб, трансформация бўйича аниқ дастур ва “йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

“Uzbekistan Airports” тизимида асосийси – хизматларни кўпайтириш ва хусусий шерикликни кенгайтириш. Самарқанд аэропорти хусусий бошқарувга берилгач, парвозлар ва йўловчилар сони 5 баробар ошган. Энди Наманган, Андижон, Бухоро ва Урганч аэропортларида ҳам шундай мақсад кўзланган. Йил якунигача аэропортларда қўшимча хизматларни 2 карра кўпайтириш, даромадни 25 фоиз ошириш мўлжалланган.

Халқаро бозордан мустақил ресурс жалб қилиш, Навоий аэропорти терминалидан тўлиқ фойдаланиш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур учта компанияда рақамлаштиришни жадаллаштириш, режаларни қайта кўриб чиқиб, иқтисодий натижадорликни ошириш бўйича топшириқлар берди.

**president.uz**

МУНОСАБАТ

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбари иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

**Президентимиз парламентда депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режалар, илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома, дея таъкидлади.**

**Қуйида Халқ демократик партияси вакиллари мазкур Мурожаатнома юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.**



**Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ,**
**Тошкент вилоят Кенгаши депутати:**

- Давлат раҳбари ушбу мажлисда “Янги Ўзбекистонимиз янги парламенти билан бирга ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўймоқда”, деди. Шуниси аниққи, бугун жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаётган, тан олинаётган Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган ижтимоий давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакатда ижтимоий тенгсизлик ва камбағаллик хавфи ортиб бориши кундай равшан. Бундай хавфларни юмшатиш, ижтимоий ислоҳотларни қадамба-қадам жадаллаштириш ҳаётий заруратга айланади. Юртимизда айни шу йўналишда амалиётга изчил татбиқ қилинаётган истиқболли чора-тадбирлар самарасида камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушгани эътирофга лойиқ кўрсаткич, албатта. Камбағалликка тушиб қолиш хавфи мавжуд қатламлар - ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахсларни талабгир касбларга ўқитиш борасидаги ижтимоий дастурлар ҳам ўз самарасини бера бошлади.

2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Шу мақсадда камбағал оилалар болалари мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилиши, ижтимоий аҳволи оғир мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилиши, бунинг учун эса бюджетдан 2 триллион сўм йўналтирилиши маълум қилинди.

Умуман олганда, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиши кутилмоқда.

Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича ҳам долзарб вазифаларни самарали ҳал этиши лозимлиги эслатиб ўтилди.

Бу рақамлар мамлакатимизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги конституциявий мажбуриятларини уддалашга жиддий киришганидан далолат беради.

Кучли ижтимоий сиёсат партиямизнинг дастурий мақсади бўлиб, давлат ва жамият барқарорлигини, барча қатлам манфаатлари ўртасида тенгликни таъминлайдиган кучга эга. Шу маънода юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишида янги ваколатларга эга парламент, биз, депутатлар фаол бўлмоғимиз, халқчил қонунларнинг ижодкорига айланмоғимиз давр талабидир.

*БУГУН ХАЛҚИМИЗ БИЛАН ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ. ИШОНЧИМ КОМИЛ, БУ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИГАН, ЯНАДА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТАДИГАН ДАВР БЎЛАДИ. БУ ДАВР ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ИШЛАШ, ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИБРАТЛИ АНЪАНАЛАР ШАКЛЛАНАДИГАН ВА ТАРИХГА МУҲРЛАНАДИГАН ДАВР БЎЛАДИ.*

***ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ***



**Санжар СОБИРЖОНОВ,**
**Юнусобод туман Кенгаши депутати:**

- Соғлом генофонд ҳар бир давлатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Генофондни асраш тиббий хизматни такомиллаштиришдан тортиб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришгача бўлган жуда йирик қамровни ўз ичига олади.

Ўтган ҳафтадаги мажлисда бу масалалар ҳам алоҳида тилга олинди. Президент таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш ҳамиша ҳукуматнинг кун тартибида туриши керак бўлган асосий вазифалар сирасига киради.

Энг аввало, ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги ва сифатини ошириш зарурати-га диққат қаратилди. Хусусан, 2025 йилда бирламчи бўғинда 3 миллион 700 минг нафар аёлни скринингдан ўтказиш, бу жараённи рақамлаштириш орқали саратон касалини эрта аниқлаш кўрсаткичини 85 фоизга етказиш мумкинлиги айтилди. Ҳукумат маҳаллалардаги 18 мингта тиббиёт бригадаларини ўқитиш, 884 минг нафар беморни уй шароитида реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этиши, туғруқхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 100 миллион доллар йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ер юзида рўй бераётган иқлим ўзгаришлари, шиддат билан қамрови ортиб бораётган қурғоқчилик, табиий офатлар оқибатида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига путур етмоқда.

Бу борада иқтисодиётимиз таянчи бўлган қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиб, импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурлар мавжуд. Фақат бу дастурлар ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонларини 2 карра ошириш бўйича ишни самарали ташкил этиш зарур.

Аёнки, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда. Шундай қалтис вазиятда юртимизда яшил маконларни кўпайтиришга, яшил энергетикани ривожлантиришга тизимли ёндашилаётганини қўллаб-қувватламоқ керак.

Бу борадаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилингани айни муддао бўлди.

Халқ демократик партиясининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган дастурида шаҳарларимиз ва аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ҳамда экологик барқарорлигини таъминлашга эришиш устувор вазифалар қаторидан ўрин олган. Бунинг учун пухта ўйланган, ҳаётий таклиф-ғоялар илгари сурилган.

Юқоридаги вазифаларга уйғун равишда бу таклифларимиз қонунчилигимизда ўз ифодасини топса ва улар рўёбга чиқса, аҳоли саломатлиги ва генофондни асраш йўлида яна бир катта қадам ташлаган бўламиз.

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 2025-2029 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИДА ШАҲАРЛАРИМИЗ ВА АҲОЛИ ЯШАШ ПУНКТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШИШ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛГАН.**



**Аиша РУИДДИНОВА,**
**Бектемир туман Кенгаши депутати:**

- Мажлисда парламент томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун амалда ишлаши ва бунинг натижасини одамлар ўз ҳаётида ҳис қилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. “Юзта эмас, бешта қонун қабул қилайлик, лекин халқчил бўлсин, халқимизга хизмат қилсин”, деди давлат раҳбари. Халқ манфаатини биринчи ўринга қўйиш барча давлат идоралари фаолиятининг асосий мезони экани эслатилди.

Кейинги вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик билан маслаҳат қилишда қонунларимизда белгиланган талабларга ҳамиша ҳам риоя этилмаётгани, ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси билан қуйи палатага киритилаётган қонун лойиҳалари сифати масаласига эътироз билдирилди.

Жамиятимиздаги мавжуд муаммоларга, одамларни ўйлантираётган иқтисодий-ижтимоий масалаларга оқилона ечим бўладиган қонунларни ишлаб чиқиш, бунда ижро органлари билан ҳамкорлик мавзусида сўз борганда, парламентимиз ҳаётидаги яна бир ўзгаришни айтиб ўтиш жоиздир. Бу қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларнинг кенг жалб қилиниши, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиёти йўлга қўйилиши билан боғлиқ.

Маълумки, маҳаллий Кенгаш депутатлари сайланган округи ҳудудидаги реал шароитни, одамларнинг қувонч ва ташвишларини яхши билади. Ҳар қандай янги қонунни ана шу одамлар қандай қабул қилишини, улар ҳаётига қай даражада таъсир ўтказишини маҳаллий Кенгаш депутати аниқ-тиниқ тасаввур эта олади. Демак, мазкур амалиёт қонун ижодкорлиги жараёнини янги босқичга олиб чиқади, деб иккиланмай айтиш мумкин.

Шунингдек, ҳокимларнинг бир қатор ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтиши, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги институтларнинг жорий этилиши маҳаллий ижро органларининг фаолиятида ошкоралик ва ҳисобдорлик ошишига хизмат қилади.

Парламент ҳамда ҳукумат ўртасидаги муносабат конструктив мулоқотга асосланиши керак. Парламент ва депутат сўровларига ижро органларида юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига тамомила барҳам бериш зарурлиги ҳам, очиғи, кўнглимиздаги гап бўлди.

МАЪЛУМКИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛАНГАН ОКРУГИ ҲУДУДИДАГИ РЕАЛ ШАРОИТНИ, ОДАМЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИНИ ЯХШИ БИЛАДИ. ҲАР ҚАНДАЙ ЯНГИ ҚОНУННИ АНА ШУ ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ, УЛАР ҲАЁТИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪСИР ЎТКАЗИШИНИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ АНИҚ-ТИНИҚ ТАСАВВУР ЭТА ОЛАДИ.



**Зулайҳо АКРАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган бўлса, барча имкониятлар ишга солингани туфайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзидаёқ 110 миллиард долларга етиши кутилаётгани қувонтиради.

Энг асосийси, танлаган йўлимиздан оғишмай, суръатни пасайтирмай, бир бўлиб ишлашимиз орқали 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш имкониятимиз мавжудлиги барчани руҳлантиргани табиий.

Барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари аҳолининг турмуш фаровонлигида зуҳур этади. Халқ бой бўлса, мамлакат қудратли бўлади. Салоҳиятли тадбиркорлар, инвесторлар оқими кенгаяди.

Мажлисда келгуси беш йилда айнан иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш борасида ҳукумат олдида турган вазифалар келтирилди. Бу даврда камида 100 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда йиллик экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга олиб чиқиб, унда тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоизга етказиш, норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш”, рақамли технологияларни барча соҳада кечиктирмай жорий этиш, онлайн тўловлар улушини 60 фоизга етказиш шулар жумласидандир.

Жойларда ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантириш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий равнақ топиши кафолатидир. Юртимиздаги чекка, олис манзиллар ҳам обод бўлиб, замонавий инфратузилмалар барпо этилиши, иш жойлари очилиши, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилиши учун иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим.

Мажлисда янги даврда кечаги талаб ва мезонлар билан, эскича ишлаб бўлмаслиги яна бир бор қайд этилди. Аслида бу сўзлар ҳар биримизнинг, шу қатори биз, халқ вакилларининг ҳам дастуруламалимиз бўлмоғи шарт. Бу халққа янада яқин бўлишни, жойларга чиққан ҳолда ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганиб, амалий ишларни амалга оширишимиз кераклигини англатади. Ана шундагина халқимиз биздан кутаётган натижалар билан тараққиётга пешвоз чиқамиз.

**Фарида МАҲКАМОВА**
**ёзиб олди.**

# МАҲАЛЛИЙ

## ҲАЁТГА ВА ОДАМЛАРГА

**Маълумки, 2024 йил 27 октябрь куни юртимизда муҳим сиёсий жараён — парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Илк бор аралаш сайлов тизими, яъни, мажоритар ҳамда пропорционал тизим асосида ўтказилган сайловлар миллий қонунчилигимиз талаблари ва халқаро меъёрлар асосида ўтди.**

**Сайлов якунларига биноан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муносиб натижаларга эришди ва ўзининг сиёсий позициясини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.**




**ЎТГАН ҲАФТАДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ ДАСТЛАБКИ МАЖЛИСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ. ҲУКУМАТ ҚАЙТА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ, ДАВЛАТ РАҲБАРИ ВАЗИРЛИК-ИДОРАЛАР ҲАМДА ПАРЛАМЕНТ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТДИ. ХУСУСАН, ҚУЙИ ПАЛАТА ҒОЯЛАР ГЕНЕРАТОРИГА, СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНИШИ КЕРАКЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ. АЙНИ ШУ МАСАЛА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЧУН ҲАМ ДОЛЗАРБДИР. ЧУНКИ ҚУЙИ ПАЛАТАНИНГ ФАОЛИЯТИДА САМАРАДОРЛИК ҲУДУДЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ, МАСЪУЛЛАР ОЛДИГА БЕМАЛОЛ МАСАЛА ҚЎЯ ОЛИШИГА ҲАМ БОҒЛИҚ. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ЯНГИ САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ЎЗГАРИШЛАР, ТАШАББУСЛАРГА ТАЙЁРМИ? НОМЗОД КЎРСАТИШ, САЙЛАНИШДАН МАҚСАД ҚАНДАЙ? МУХБИРИМИЗ УШБУ САВОЛЛАР БИЛАН ЁШ ДЕПУТАТЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ.**

## «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётини яхшилаш йўлида хизмат қиламан»



**Облоберди ОЛИМОВ,**
**Қува туман Кенгашига сайланган депутат:**

– Ёшим 27 да. Тўғриси, бу ёшда депутатликка сайланиш ҳақида аввал ҳеч ўйлаб кўрмаган эдим. Чунки депутатлик 40 ёшдан ошган, катта тажрибага эга одамларнинг иши, деб ўйлардим.

Ҳозир тушуняпманки, депутатликка иштиёқ, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг дардини тинглаш қобилияти ва жамиятни ривожлантириш истаги бўлиши муҳимроқ экан.

Менда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётини янада яхшилаш истаги кучли. Бунга эришиш учун анча меҳнат қилишим керак. Шу сабабли Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлдим. Кўп ўтмай партияда иш бошладим. Мана шундай катта сиёсий кучнинг бир бўлаги бўлишимда Фарғона вилоят партия кенгашидаги устозларнинг ўрни, хизмати катта.

Вақти келганда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга ҳисса қўшишни истайман. Унгача туманимиздаги, вилоятимиздаги масалаларни ўрганиб, билим ва кўникмаларимни ошириб бораман.

Биласизми, жамиятимиз турли инсонлардан ташкил топган. Уларнинг орасида бир миллионга яқин ногиронлиги бўлган шахслар бор. Ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўмак кўрсатишда, албатта, уларни ичидан ҳис қила оладиган инсонларга эҳтиёж сезилади. Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман. Шу сабабли ногиронлиги бўлган шахсларни ўйлантираётган масалаларни яхшироқ тушунаман ва ҳис этаман.

Қуйи палатанинг биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари партиялар кўтарган ташаббусларни эътироф этди ҳамда депутатлар олдига бир қатор масалалар қўйилди. Ҳукумат идоралари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, вазирликлар қуйи бўғинда, айниқса, туман ва шаҳар даражасида самарали иш ташкил эта олмаяпти. Шу сабабли баъзида тумандаги кичик масала вақтида эътибор қаратилмагани боис, катталашиб республикагача етиб боряпти. Ваҳоланки, ҳар бир ҳудуднинг ўз раҳбарлари, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун тайинланган масъуллари бўлади. Биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудлардаги масалаларни самарали ҳал этиш учун конструктив мулоқотга тайёр туришимиз керак.

Депутатлик фаолиятимда энг асосий мақсадим ногиронлиги бўлган шахсларга қулай, кафолатланган иш ўринлари яратиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Кейинги галдаги масала эса ногиронлиги бўлган болаларни таълим билан қамраб олиш. Бунинг учун энг оддий эҳтиёжлар қондирилиши керак. Масалан, барча таълим муассасалари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига пандуслар ўрнатилиши зарур. Шунингдек, бино ва иншоотлардаги эшикларни, ҳожатхоналарни ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш талаб этилади.

Қачон имконият яратилса, шунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаоллиги ортади. Бу эса берсанг – ейман, деб юрадиган одамлар сафини кескин камайтириб, фойдали ишлайдиганлар сафини кенгайтиради. Энг муҳими, мен ўйлаган мақсадларнинг барчаси партиямиз дастуридан ўрин олган ва партия уларни амалга оширишда бош ташаббускор бўлишига ишонаман.

# КЕНГАШЛАР
## ЯҚИН БЎЛИШИ ЛОЗИМ

## Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида сиёсат бор



**Суннатилла МАЖИДОВ,**
**Бўстонлиқ туман Кенгашига сайланган депутат:**

– Юртимиз имкониятларга бой мамлакат. Улардан тўғри ва самарали фойдалана олиш – кифоя. Ота-онам ҳамиша шу гапни таъкидлагани боис, ўқувчилик давримни кўпроқ билим олишга, тил ўрганишга сарфладим. Катта орзуларимдан бири ушалиб, 2013 йили Кипр ярим оролидаги Eastern Mediterranean University нинг менежмент ва туризм йўналишига ўқишга кирдим. У ерда ҳам вақтим зое кетишини истамадим ва дарсдан бўш вақтларимда талабаларга мос бўлган ташкилотларда кичик ставкаларда ишладим. 2014-2017 йилларда АҚШ, Англия, Германия ва Туркия давлатларида малака оширдим. Мақсадим – олийгоҳни битиргач, амалий жиҳатдан ҳам яхши тажрибага эга бўлиш ва уни ўз ватанимда қўллашдан иборат эди.

Бу қарорим тўғри бўлган экан. Тошкентга қайтгач, давлат ташкилотларида масъулиятли вазифаларда ишладим. Айни пайтда тадбиркорликнинг фармацевтика йўналишида фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

Менежментлик ва туризмдан қандай қилиб сиёсатга кириб қолганимга келсак, ҳаётимизнинг ҳар бир куни ўзига хос сиёсат. Яъни, уйда оила бошлиғи — отанинг сиёсати. Тарбияда кўпроқ оналаримизнинг сиёсати. Ишда раҳбарларнинг, маҳаллада оқсоқолларнинг, хуллас, ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида сиёсат бор. Тадбиркорликка киришимнинг асосий сабаби яратиб бераётган шароит, имтиёз ва қўллаб-қувватлашлардир.

Депутатлик сиёсати одамларнинг ҳаётини яхшилашга бўлган иштиёқдан юзага келиши лозим, деб ўйлайман. Акс ҳолда, у шунчаки оддий ном бўлиб қолаверади. Халқ демократик партияси тадбирларида қатнашган пайтларимда жамият ҳаётини яхшилаш, ўз соҳамга тегишли масалаларга ҳуқуқий ечим топишга қизиқишим ошди.

Айнан шу иштиёқ мени партияга етаклади. Адашмаган эканман. 2023 йилда Ёшлар парламенти аъзоси сифатида фаолият олиб бордим. Тенгдошларим, ука ва сингилларимиз ҳаётини ўрганишга ҳаракат қилдим. Улар билан кўп мулоқотлар олиб бордик. Бу ишларимни кўрган партия жорий йилги сайловда депутат сифатида номзодимни илгари сурди. Энди зиммамдаги масъулият икки ҳисса кўпайди.

Чунки маҳаллий Кенгаш депутати ҳар куни одамлар орасида бўлиши, ҳар доим бохабар бўлиши талаб этилади. Асосийси, депутат партия ғояларига содиқ, халқ манфаатларини ўйлайдиган, нафақат ҳудудларнинг муаммоларини, балки уларнинг ечимларини ҳам биладиган шахслар бўлиши талаб этилади.

Бунинг учун бизда ваколат ҳам, имконият ҳам етарли. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйиш учун қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилган.

Масалан, кейинги йилларда маҳаллий Кенгашлар фаолияти тубдан кенгайтирилди, ижро ҳокимиятига тегишли бўлган 33 та ваколат маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Маҳаллий Кенгашлар муаммоларни доимий равишда ўрганадиган, ечим таклиф қиладиган ҳақиқий халқ вакиллари уйига ва халқ овозига айланиши муҳимдир.

> ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАДБИРЛАРИДА ҚАТНАШГАН ПАЙТЛАРИМДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ, ЎЗ СОҲАМГА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ ТОПИШГА ҚИЗИҚИШИМ ОШДИ.

**“Ўзбекистон овози” мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

## Мақсад аниқ, режалар катта



**Нозигул ЖЎРАЕВА,**
**Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:**

– 18 ёшимда “Оққош-Бўрон” фермер хўжалигини бошқарганман. Когон туман Кенгаши депутатлигига сайланганимда 22 ёшда эдим. Мавсумий иш вақтида 50 нафарга яқин одамни иш билан таъминлаганмиз. Уларнинг муаммоларини ҳал қилишга, қўлимдан келганча, ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзишга уринардим. Эҳтимол, шу сабаблими туман Кенгаши депутатлигига номзодимни қўллаб-қувватлашди. Депутат бўлгач, сайлов округимдаги яна кўплаб оилалар билан танишдим. Одамлар қандай ўй-хаёлларда юришади, нималарни исташади – шуларни билишга интилдим. Ўтган 5 йил мобайнида депутат сифатида самарали меҳнат қилдим, деб ўйлайман.

Бироқ Бухоро вилоят Кенгаши депутатлигига номзодимни қўйганимда яна депутат этиб сайланишимга унчалик ишонмагандим. Сайловчилар қўллаб-қувватлармикин, вилоят миқёси, кўлами катта бўлса, деган хаёлларга бордим. Тарғиботда астойдил қатнашдим, учрашувларда кўпроқ суҳбатларда бўлдим. Вилоят депутатлигига ҳам сайландим. Олдинда режаларим катта. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, пахтачилик, ғаллачиликда юқори ҳосилдорликка эришишни ва яхши доромад ортида ишчи-хизматчиларимизга ҳам янада яхши пул тўлашни, уларни янада рози қилишни истайман.

Бухоро вилояти, айниқса, Когон туманида юқори ҳосилдорликка эришиш қийин. Ерларнинг шўрлиги сабабли қиш фаслида бухороликлар бошқа вилоятларга қараганда шўр ювиш ишларини кўпроқ амалга оширишади. Юқори ҳосилдорликка эришиш ҳар бир фермернинг орзуси, деб ўйлайман. Бу магистратурадаги илмий ишимнинг ҳам мавзуси бўлиб, “Аграр соҳада инновацион ғояларнинг истиқболлари”, деб номланади. Бугунги кунда хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига кўплаб янги инновацион ғоялар олиб кирилмоқда. Лекин уларнинг истиқболлари, амалиётга тўғри жорий қилиниши, иқлим кўрсаткичлари ҳисобга олиниши ҳам долзарб вазифалардан биридир. Чет эл тажрибасини бизда амалиётга жорий этишда қандай хато ва камчиликларга йўл қўйиляпти, нималар эътибордан четда қоляпти? Аниқлаш ва узоқ йиллар мобайнида тупроқ билан тиллашган деҳқонларимизнинг бу борадаги фикрлари асосида янгиликлар жорий қилишни, бу ишларга ёшларни, аёлларни ҳам жалб қилишни истайман.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта дастурлар амалга оширилмоқда. Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқида ҳам бу масала яна бир бор тилга олинди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йили бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирилиши таъкидланди.

Мен аграр соҳани янада ривожлантириш, юқори сифатли пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш, ҳосилдорликни оширишга эришиш билан бирга, Бухоро вилоят Кенгаши сессияларига ҳаётий масалаларни олиб чиқишни, элга хизмат қилишни мақсад қилганман.

## Одамлар билан елкама-елка



**Аббосбек Юсуфжонов,**
**Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:**

– Ёшлигимдан сиёсатга қизиқардим. Катта минбарларда гапираётган сиёсатчиларга ҳавас қилардим. Бу қизиқиш мени талабалик даврларимдан саҳна томон етаклади. Бир неча сиёсий тадбирларда, танловларда қатнашгач, қизиқишим янада ортди.

Одамлар билан елкама-елка туришга, муаммолари ҳақида гапиришга, уларни ечишга ҳаракат қилганман. Илк иш фаолиятим ҳам сиёсий ташкилотда Халқ демократик партиясининг Балиқчи туман Кенгашидан бошланди. Андижон вилоят Кенгашида ҳам ишлаш насиб этди. Депутатлар билан учрашувлар ташкил этиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш жараёнида муаммолари ҳал этилгач, хурсанд бўлган инсонларни кўриш ўзгача руҳий ҳаловат бағишлар эди. Катта умид ва ишонч билан 2019 йил номзодимни қўйдим ва сайловчилар танлови билан Балиқчи туман Кенгашига ЎзХДПдан депутат бўлдим. Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентига ҳам аъзо бўлдим.

Мамлакатимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир оиланинг фарзанди ўқиши, билим олиши ва дунёвий билимларни ўзлаштириб бориши тарафдориман. Зиёли, маънавияти баланд инсонларгина тараққиётимизни кафолатлайди. Шу боисдан фуқароларга таълимнинг барча йўналишларида тенг имкониятлар яратилиши тарафдориман. Ҳозир Балиқчи туман ихтисослаштирилган мактабида директор ўринбосари сифатида фаолият юритяпман.

Фаолиятим давомида аҳолининг турли қатламлари билан учрашиб, уларнинг қизиқишлари, ўй-хаёллари ва хоҳиш-истакларини ўргандим. Жамиятда ўқиш, илм олиш, замон билан ҳамнафас яшаш нақадар муҳимлигига яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар дардини тинглаб, уларга ёрдамлашиш зарур, деган хулосага келдим.

Бу йилги сайловларда Андижон вилоят Кенгаши депутати этиб сайланиш бахтига муяссар бўлганимдан мамнунман. Энди ёрдам бериш имкониятим янада кенгайди. Сайловчилар ишончини оқлашга, турли масалалар ечимида янада қатъият ва масъулият билан ёндашишга ҳаракат қиламан.

**“Ўзбекистон овози” мухбири Хуршидабону НАЗАРОВА ёзиб олди.**



# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**2024 ЙИЛ 19 НОЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЯНГИ САЙЛАНГАН ТАРКИБДАГИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИБ, ЮҚОРИ ПАЛАТА ОЛДИДА ТУРГАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.**

Хусусан, Сенатнинг қонун муҳокамалари жараёнида замонавий механизмларни жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Бу жараёнда қонун ижодкорлигига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб қилиш, ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Шу орқали қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш мақсади қўйилди.

Бу ташаббус, айтиш мумкинки, мамлакат қонун ижодкорлиги тизимини янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадамдир. Маҳаллий Кенгашларнинг иштироки нафақат техник янгиланиш, балки давлат бошқарувини халққа яқинлаштиришга қаратилган туб мазмуний ўзгаришни ҳам ифодалайди.

Биринчидан, мазкур механизм қонунларнинг ҳар бир ҳудуд демографик, иқтисодий ва маданий ўзига хосликларига мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса қонунларнинг амалий самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, маҳаллий Кенгашлар қонун лойиҳаларининг амалий қўлланилиши бўйича аниқроқ фикр билдириш имкониятига эга бўлади. Айни жиҳат давлат бошқарувининг самарали ва ҳамжиҳатликда ишлайдиган моделини яратишга ёрдам беради.

Учинчидан, жамоатчилик ва давлат ўртасида ишончли мулоқот кўприги мустаҳкамланади. Фуқаролар ўзларини қонун ижодкорлиги жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ҳис қилишади ва бу жамиятда сиёсий фаолликни кучайтиради.

Шунингдек, ҳудудий манфаатлар ва умумдавлат стратегияларини уйғунлаштиришга, ҳар бир ҳудуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга хизмат қилади.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази бўлим бошлиғи.**

# “Суяги кимга?..”

## бола меҳр ва эътиборга муҳтож, калтакка эмас...



**ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА САМАРҚАНДДА 8-СИНФ ЎҚУВЧИСИ БЎЛГАН ҚИЗ БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎҒИРЛАБ КЕТИЛГАНИ ВА ЗЎРЛАНГАНИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР ТАРҚАЛДИ. КЎП ЭМАС, БУНДАН БИР НЕЧА КУНЛАР АВВАЛ БУХОРО ВИЛОЯТИ ШОФИРКОН ТУМАНИДА ОНА ЎЗИНИНГ 9 ЁШЛИ ҚИЗИГА ҚЎЛЛАРИ ВА ЮЗ ҚИСМИГА ТЕМИР КАПГИР БИЛАН ЖАРОҲАТ ЕТКАЗГАНИ БИЛАН БОҒЛИҚ НОХУШ ҲОЛАТ ҲАМ КЎПЧИЛИКНИНГ ДИЛИНИ ХИРА ҚИЛГАН ЭДИ. ЧЕТ ЭЛДА ЮРГАН ТУРМУШ ЎРТОҒИ БИЛАН ЖАНЖАЛЛАШИБ, УНГА ЖАҲЛ ҚИЛИБ, БОЛАСИНИ ҚИЙНАЁТГАН ОНАЛАР ҲАМ БОР. ФАРЗАНДИНИ БЕШИККА БОҒЛАГАН ҲОЛДА ТАЁҚ ВА БОШҚА ЖИСМЛАР БИЛАН КАЛТАКЛАГАН АЁЛГА АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ҚАЙСИДИР БОҒЧАДА ТАРБИЯЧИ БОЛАЛАРНИ КАЛТАКЛАГАНИ ҲАҚИДА ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ХАБАРЛАР ТАРҚАЛИБ ТУРАДИ. ҚАНЧАЛАР АЯНЧЛИ!**

Эсингизда бўлса, Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманидаги 12 ёшли қизнинг зўрланиши ва ўлдирилиши, Фарғонада 11 ёшли қизчанинг мурдаси зўрлаш ва қотиллик аломатлари билан топилгани, Хоразмдаги болалар уйидаги уч нафар қизга бўлган тажовузлар... Бу ҳали ҳаммаси эмас. Болалар билан боғлиқ бундай шафқатсиз воқеалар кўп, улар йиғисининг, мурғак юраклар қайғусининг адоғи йўқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг ярмидан кўпи зўравонликнинг қандайдир кўринишини бошдан кечиради. Ўтган йили ўтказилган Мультииндикатор кластер кузатуви (МИКС) шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 3 нафар боладан 2 нафари (62%) зўравонлик билан тарбиялаш усулларини бошдан кечирган (жисмоний жазо ёки психологик тажовуз), 15-19 ёшли қизларнинг эса 33 фоизи эр ўз хотинини калтаклашга ҳақли, деб ҳисоблайди.

Булар шунчаки статистика эмас. Ҳар бир рақам ортида қанчадан-қанча руҳий зўриқишларга, хўрликларга дуч келган болалар тақдири турибди. Гўдак руҳиятидаги бу чандиқлар битиши даргумон. Ҳар бир бола қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзи учун хавфсиз ва қулай бўлган муҳитда ўсиши керак. Бу – унинг олий ҳуқуқи.

### БОЛАЛАР МАКТАБЛАРДА ЎЗИНИ ХАВФСИЗ ҲИС ҚИЛМАЙДИ (МИ)?

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти Ўзбекистондаги мактабларда буллинг ёки безорилик ўқувчиларнинг академик ютуқларига қандай таъсир қилишини ўрганди.

Мактабдаги буллинг ўқувчиларнинг руҳий саломатлиги ва таълим натижаларига салбий таъсир кўрсатиб, узоқ муддатда инсон капиталининг ривожланиши, демографик дивиденд, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишга салбий таъсир қилиши мумкин.

Тадқиқотда Ўзбекистонда олинган PISA-2022 сўрови натижаларидан фойдаланилди. Сўров мамлакатнинг турли ҳудудлари бўйича 15 ёшли ўқувчиларнинг жавобларини мужассам этган бўлиб, унинг асосида яратилган маълумотлар базаси 202 та мактаб ва 7293 нафар ўқувчини қамраб олади.

Мазкур сўров натижаларига кўра, камида ҳар етти ўқувчидан биттаси мактабда ўзини хавфсиз ҳис қилмайди ва зўравонлик ёки безориликка гувоҳ бўлган. Улар йилига камида бир маротаба дуч келадиган муаммолар булар: ўқувчиларнинг ёмон гапларни тарқатиши (21 фоиз), мактаб ҳудудида бошқа ўқувчилар билан уришиши (17 фоиз), бошқа болалар томонидан камситилиши (16 фоиз).

### ЯНГИ ҚОНУН НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРДИ?

– Болаларга нисбатан зўравонлик жамиятдаги жиддий муаммолардан биридир. Ҳеч эътибор берганмисиз, авваллари зўравонлик иллати ҳақида ҳеч нима дейилмас эди. Ҳатто оиладаги зўравонлик бўйича жавобгарликка тортувчи алоҳида қонун ҳам бўлмаган. Ваҳоланки, жамиятда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларига дадиллик билан қарши туриш зарурати бор эди, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамаджанова.** –Шу йилнинг 14 ноябрь куни “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан бу борада муҳим тарихий қадам қўйилди, дейиш мумкин.

Қонунга кўра, боланинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимояланадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган ва унинг асосий эҳтиёжларига зид бўлган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик, шу жумладан, Интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик, деб эътироф этилади.

Эндиликда зўравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартиби йўлга қўйилмоқда. Давлат болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш учун тегишли ҳуқуқий, маъмурий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа чораларни кўради.

Ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан берилади ва зўравонликдан жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига ваколатли давлат органи иштирокида топширилади. Ҳимоя ордери 30 кун муддатгача берилади ва расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Шу ўринда савол туғилади, нега сўнгги пайтларда болаларга нисбатан зўравонликлар сони ошиб бормоқда? Болалар омбудсмани бундай зўравонликларнинг қанчасини назоратга олди?

– Айтиш керакки, болага нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо муросасиз муносабатда бўлишимиз зарур, - дейди **Болалар омбудсмани Сурайё Раҳмонова.** - Лекин шу билан бирга, мамлакатда жиноятчиликнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб статистик таҳлил қилинса, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари сони аслида сезиларли ошмаётганини кўрамиз.

Жумладан, суд статистикасига кўра, ўтган йили юртимизда 297 нафар бола зўравонлик қурбонига айланган. Шулардан 198 нафарига жисмоний, 99 нафарига нисбатан эса жинсий зўравонлик содир этилган. Энди таққослаш учун: ушбу рақамлар 2022 йилда тегишли равишда 327, 225 ва 102 нафарни ташкил этган. Яъни, зўравонлик фактлари бироз бўлса-да, камайган.

Болалар омбудсмани ва унинг котибиятига ҳар куни турли мурожаатлар келади. Мурожаатлар фақатгина ота ёки она, боланинг яқин қариндошларидан эмас, балки вояга етмаганларнинг ўзларидан ҳам йўлланмоқда. Хусусан, вояга етмаган қизлар оилавий зўравонлик курбони, ота-она ёки умуман учинчи шахслар томонидан эрта турмуш қуришга мажбурларнаётганликлари, вояга етмаган ўғил болалар эса уларга мактабларда бошқа синф ўқувчилари томонидан тазйиқ (буллинг) ўтказиб келинаётгани юзасидан мурожаат қилишмоқда.

Масалан, 2023 йилнинг ўзида болаларга нисбатан турли шаклдаги зўравонлик ёки тазйиқ ўтказилиши билан боғлиқ бўлган 28 та мурожаат келиб тушган.

Бу мурожаатларнинг ҳар бирини атрофлича ўрганиб, мутасадди идораларга манзилли чора кўриш бўйича сўровлар юборамиз ва ҳолат ўз ечимини топмагунича назоратимизни давом эттирамиз. Мурожаатлар ижобий ҳал этилганидан сўнг ёки жараён қайси босқичда эканлиги борасида ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизда эълон қилиб боряпмиз.

Шу билан бирга, ҳозирда ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар бир таълим муассасасида мурожаатлар қутисини ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Бу орқали болалар омма олдида айта олмайдиган муаммоларига оид хабарларини қутиларда қолдиришади, биз, мутасаддилар эса уларни ўрганиб, чора кўрамиз.

### ШАФҚАТСИЗЛИК ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Болаларга нисбатан зўравонликларга барҳам беришнинг ҳуқуқий ечими бўлган қонун қабул қилинди. Бошқача айтганда, биз шунчаки “уй ичидаги масала” сифатида қараб келганимиз - зўравонликка қарши курашишга қатъий киришилди. Бу яхши, албатта. Келинг, энди жондан азиз фарзандларимизга бўлаётган зўравонликнинг сабабларини таҳлил қилсак. Бу иллатнинг илдизлари қаерда?

**Абдужаббор ОЧИЛОВ, ҳуқуқшунос:**

– ЖССТ болаларга нисбатан зўравонликнинг 4 турини алоҳида ажратади: жисмоний, жинсий, ҳиссий (психологик) зўравонлик ва бепарволик.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликнинг 78 фоизи бегоналар, 14 фоизи ота-оналари, қолгани қариндош ва танишлари томонидан содир этилмоқда.

Оилаларда болаларга бўлаётган зўравонликнинг асосий сабабларидан бу ота-онанинг руҳий ҳолати билан боғлиқ. Айниқса, аёлларда туғруқдан кейин гормонал ўзгаришлар сабаб депрессияга тушиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ўзгаришлардан кўпинча айнан болалар жабр кўришади.

Шунингдек, айрим оилалардаги муҳит ҳам жамиятда зўравонлик кучайиши учун шароит яратиб беради. Аёлларимиз зиммасида оилада оналикдан ташқари келинлик вазифаси ҳам бор. Бунда уларга жуда кўп жисмоний масъулиятлар юкланади. Тизимли равишда чарчоқ, бир хил ҳаёт тарзи аёлда аламзадалик кайфиятини келтириб чиқаради ва у яқинларидан аламини олишни бошлайди. Биринчи галда жисмонан ожиз фарзандидан.

Бундан ташқари, оилалардаги иқтисодий қийинчиликлар ҳам зўравонлик келиб чиқиши учун сабаб бўлади.

Ўтган йили ижтимоий тармоқларда фарзандларини дўппослаган каттакўрғонлик аёл ҳақида хабарлар тарқалган эди. Маълум бўлишича, аёл Россия Федерациясида ишлаётган турмуш ўртоғи билан телефондаги мулоқотда юзага келган келишмовчик сабабли икки нафар вояга етмаган фарзандини уриб, ҳолатни тасвирга олган. Бу юртдошларимизнинг кенг муҳокамаларига сабаб бўлди. Масъулларнинг ўрганишича, келин оиласида қайнопаси билан бир неча йил келишолмагани сабабли ота уйига кетиб қолган. Ота уйида молиявий жиҳатдан қийналган, турмуш ўртоғидан пул юборишини талаб қилган. Натижада жанжал келиб чиққан ва шу ҳолат юз берган. Бу битта оиладаги вазият, афсуски, шундай ҳолатда бўлган оилалар, бизнингча, оз эмас, биз билган ва билмаган девор ортидаги воқеалар ҳам. Бундан эса кўпинча аёллар ва болалар қийналяпти.

Мана шундай таассуфли ҳолатларга ечим эса, аввало, иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини ошириш ва хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишнинг самарали механизмларига ўтишни тақозо қилади.

Хўш, зўравон ота-оналар қаердан пайдо бўлади? Бир нарса аниқки, улар ҳам болалик чоғларида зўравонликка асосланган муҳитда яшаган ва улғайган. Энди ўз ҳаётида қўллай бошлаган. Кўрдингизми, жараён бир-бири билан боғлиқ, ҳалқасимон давом этмоқда.

Жамиятимизда учраётган ушбу иллатга фуқароларнинг оилада, ёшликда олган тарбиясида жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Албатта, ҳар қандай муаммо сабабларини ўз вақтида аниқлаш унинг ечимига мувофиқ келадиган механизмларни ишлаб чиқишга асос бўлади. Шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда социологик талқиқотларни ўтказишга алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлари юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо бўйича мунтазам равишда жамоатчилик фикрини ўрганиб боришлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

**Холида ЗИЯЕВА,**
**ЎзМУ ижтимоий фанлар факультети доцент вазифасини бажарувчи:**

– Болаларга нисбатан зўравонлик турлари ва кўлами бирмунча кенг бўлиб, ҳозирги кунда зўравонликнинг янги усуллари юзага келмоқда. Болаларга нисбатан зўравонликлар фақат катталар томонидан содир этилади. Агар болалар ўртасидаги зўравонликлар бўлса, унда болалар зўравонликнинг оқибатини онгли равишда тушунмасдан содир этишади. Болаларга нисбатан зўравонликлар агар катталар томонидан содир этилса, боладан қутулиш, уни ўзига бутунлай қарам қилиш, осон бошқариш, кўрқитиш, ундан фойдаланиш каби мақсадларда қўлланилади.

Жамиятда болаларга нисбатан ҳар қандай турдаги зўравонликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконияти мавжуд, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун жойларда болалар ва ёшлар билан ўз вақтида тўғри мулоқот қилиш, таълим муассасаларидаги тартиб-интизомни қатъий ўрнатиш, маҳалла еттилигининг ҳамкорликдаги ишларини самарали ташкил этиш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, психотроп дори-воситаларининг ёшлар орасида тарқалишига йўл қўймаслик керак. Болалар ва ёшларнинг телефон, компьютер ва планшетларини доимий равишда текшириб туриш орқали уларни кибер хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, онг-у тафаккурини бузғунчи ғоялардан асраш мумкин.

### ПСИХОЛОГ: ГЎДАК РУҲИЯТИДАГИ ЧАНДИҚЛАР БИТМАЙДИ...

- Оилавий муносабатлардаги тортишув ва жанжаллар, салбий муҳит, шахслараро зиддиятлар нафақат оиладаги аёлнинг, балки зўравонликка гувоҳ бўлган ёш болаларнинг ҳам руҳиятини жароҳатлайди. Катталар ўз жаҳлини жиловлай олмай қолган пайтда фарзандлари уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб тургани, керак бўлса, ўрнак олаётганини эсдан чиқариб қўядилар, – дейди психолог Нодира Шукурова. – Қуш уясида кўрганини қилади. Бола ота-оналарининг хулқ-атворини бевосита ўзлаштириб олади ва ҳаётининг кейинги босқичларида қўллайди. Отанинг фарзандлари онасига нисбатан куч ишлатиши, уни камситиши, зўравонлик қилиши ўғил болада аёл кишини уриш мумкин, деган кўникмани пайдо қилади. Бундай муҳитда улғайган қиз фарзандлар эса оилада эркак аёлга қўл кўтаришини табиий ҳол санайди. Бу кейинчалик уларнинг ҳаётида ҳам ўз аксини топади, ўғил аҳли аёлига отасидек муомила қилади, қиз эса зўравонликларга чидаб, синиқ руҳият билан яшайверади.

Гўдак руҳиятидаги чандиқлар ҳеч қачон битмайди. Зўравонлик ҳукм сурган оилада ўсаётган бола жуда асабий, арзимас сабабларга ҳам ўшқирадиган, жаҳлдор инсон бўлиб вояга етади. Кейинчалик спиртли ичимликлар ёки наркотикларга ружу қўйиши, жисмоний ёки психологик зўравонликка мойил бўлиб қолиши мумкин.

Илмий ўрганишлар безори, муштумзўр болалар кўпинча зўравонлик ҳукм сурган оилада ўсганини кўрсатади. Зўравонлик инсон учун ҳам, оила ва жамият учун ҳам оғриқли ярадир.

***

Болажон халқмиз. Фарзандларимизни суйиб-эркалаб, бошимизга кўтарамиз. Ўғил-қизларини асрайдиган, ардоқлайдиган, кипригида асрайдиган одамлармиз. Аммо жамиятимизда ўз фарзандини шафқатсизларча калтаклаётган ота ёки оналар, болаларга нисбатан жиноят қилишга мойил, инсонийликдан маҳрум кишилар ҳам йўқ эмас. Улар кўкдан тушган эмас, ёнимиздаги одамлар, ватандошимиз, қўшнимиз, маҳалладошимиз.

Юнон мутафаккири Назианзин “Ҳар қандай гуноҳ қалбнинг ўлимидир”, дейди. Қалбимизни, ундаги соф инсоний туйғуларни асрайлик. Беғубор болаларимизнинг оппоқ оламига дахл қилмайлик!

**Лазиза ШЕРОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**
**ЖССТ КЕЛТИРГАН АСОСИЙ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР:**

**— Ҳар йили 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг ярмидан кўпи зўравонликнинг қандайдир кўринишини бошдан кечиради - бу 1 миллиарддан ортиқ бола;**

**— ҳар беш боладан уч нафари уйда мунтазам равишда жисмоний куч ишлатиш билан жазоланади;**

**— ҳар бешинчи қиз ва ҳар еттинчи ўғил бола жинсий зўравонликка дучор бўлади;**

**— 25-50 фоиз бола безорилик нишонига айланади.**

# НАФСНИНГ ЁМОНИ

**Сўнгги йилларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари шаҳар ва қишлоқларимизни қамраб олиб, улкан бунёдкорлик жараёни жадал суръатга кирди. Аммо қурилиш соҳасида баъзан кузатилаётган қонунбузилиш ҳолати - хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш ҳам долзарб бўлиб турибди.**

Пойтахтлик Ф.С. қурилиш ташкилоти ҳисобланган МЧЖлардан бирининг раҳбари. У мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзгалар мулкини талон-торож этиш ҳамда ҳужжатларни сохталаштиришда айбланди.

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги “Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва маҳаллалар қиёфасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Яккасарой туманидаги бир қатор маҳаллалар ҳудудида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шу мақсадда буюртмачи – Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси билан пудратчи - Ф.С. раҳбарлик қилаётган МЧЖ ўртасида шартнома тузилади. Дастлаб туман ҳудудидаги “Қушбеги” МФЙда жойлашган кўп қаватли уйлар олдидаги йўлларни таъмирлаш учун қиймати 162 миллион сўмлик шартнома имзоланади. Пайти келганидан фойдаланган МЧЖ директори ҳужжатларни сохталаштириб, 23 миллион 397 минг сўмлик қилинмаган ишларни бажарилди, деб кўрсатган. Ана шу қалбаки ҳужжатларни тақдим қилган.

Ф.С. ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттирган. Бобур боғи кўчасининг 0,455 км қисмини жорий таъмирлаш учун қиймати 276 миллион сўмлик шартнома тузишга эришиб, амалда бажарилмаган қурилиш харажатларини ошириб кўрсатган. Ҳужжатларга такроран сохта маълумот киритиб, қарийб 15 миллион сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Нафсига эрк берган МЧЖ директори “Бошлиқ” МФЙ ҳудудида жойлашган ички йўлларни таъмирлашга ажратилган маблағларнинг 34.583.253 сўмини “еб” юборган. Шунингдек, у Ҳ. Сулаймон номидаги, “Дамариқ” МФЙларидаги кўчалар жорий таъмири учун ажратилган пулларни ҳам сохта ҳужжатлар билан ўзлаштирган.

Суриштирув ишларида Ф.С.нинг барча қинғирлиги фош бўлди. У жами 102.272.149 сўм пулни ўз чўнтагига “ургани” аниқланди. Суд жазо тайинлашда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини ҳисобга олди. Шундай қилиб Ф.С.га Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўйиш йўли билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Нафснинг ёмони – балонинг кони, деб шунга айтсалар керак.

**Алишер ЖАЛИЛОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди раиси.**

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**



МУЛОҲАЗА

# “КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ” фарзандлари китобсеварми?





## ТАҚДИМОТДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Яқинда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Китобсевар миллат” шиори остида “Китобхон болалар” ва “Дунё даҳолари” туркумида чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида ўн номда ўн минг нусхадан чоп этилиши белгиланган бу китобларнинг (улар асосан ахборот-кутубхона марказлари, Болалар уйлари ва мактаб кутубхоналарига тарқатилар экан) кичик ёшдаги ўқувчилар қўлига етиб боришини Миллий кутубхона директори Умида Тешабоева “Яхши маънода ғишт қолипдан кўчди”, деб баҳолади. Яъни, шу пайтгача бир жойда депсиниб, асосли танқидларга учраб келган ўзбек болалар адабиётида яхши ўзгариш бошланганига ишора қилинди.

Шеърий, насрий, эртак ва саргузашт жанридаги бу китоблар ёрқин рангларда, суратлари қувноқ, муқовалари пишиқ, болаларни жалб қиладиган шаклда, мазмунан ҳам юқори савияли экани таъкидланди. Айниқса, “Asaxiy books” томонидан “Дунё даҳолари” туркумидаги беш китобнинг ёш категориясига ажратилгани (7-13 ёшли болаларга мўлжалланган) янгилик сифатида қабул қилинди. Зотан, ёш категориясининг белгиланиши болани келгусида китобга қизиқтиришда жуда муҳим. Ахир 5 ёшли боланинг дунёқараши ва психологик-эмоционал ҳолати 10 ёшли боланикидан ер билан осмонча фарқли.

Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларни турли ёт ва зарарли ғоялардан ишончли ҳимоялашда яхши китобнинг, мукаммал бадиий адабиётларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс экани, шу боис болаларни китобхонликка жалб этиш борасидаги лойиҳалар фаол қўллаб-қувватланишини айтиб ўтди.

Уюшманинг бу ташаббуси эътирофга лойиқ, албатта. Мазкур янги китоблар болаларимиз томонидан қай даражада оммавий севиб мутолаа қилинади– бу энди вақти ҳукмидаги масала. Аммо кўпдан буён жавоб излаётган саволларимиз, мулоҳазаларимиз борки, уларга ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмас.

## КИТОБ ВА БОЛАЛАР

Илмий хулосалар шуни кўрсатадики, китоб ўқиш инсонга стресс ҳолатидан чиқишда мусиқа тинглаш, сайр ва спортдан кўра самаралироқ таъсир кўрсатар экан. Атиги 6 дақиқалик мутолаа стрессни 60 фоизга камайтириши исботланган. Болаларда эса, айниқса, кичик ёшдан китоб ўқишга қизиқтириш бош миядаги нейронлар орасида алоқани мустамлаш ва эслаб қолиш қобилиятини яхшилашга хизмат қилади. Сўз бойлиги, тасаввур олами кенгаяди. Савод, идрок ҳисси шаклланади. Визуал, яъни, кўз хотираси кучаяди. Замонавий дунёда электрон гаджетлар ҳаётимизни соддалаштириб, китобнинг қадр-қийматига дахл қилаётгандек туюлса-да, болаларнинг айнан саводли, стереотиплардан қочиб, янги-янги ғояларга эга бўлиши учун ҳам уларда мутолаа маданиятини юксалтириш лозим.

Замонамизнинг машҳур одамлари муваффақият йўлига эътибор қилинг! Масалан, ақлбовар қилмас муҳандислик ихтиролари билан сайёрамизнинг энг бой инсонига айланган Илон Маск болалик ва ўсмирлик чоғларида кунига 10 соатгача китоб ўқиш билан машғул бўлган. Компьютер технологиялари ва Интернет оламида бугун ёшларнинг кумири саналган Билл Гейтс, Марк Цукерберг ҳафтада битта китобни ўқиб тугатиши, кунига тахминан ўнга яқин газетани мутолаа қилиши маълум. Ўтган йили дунё миқёсида 1 минг 200 нафар энг бадавлат, таниқли кишилар орасида сўров ўтказилганида, уларнинг 85 фоизи ойига 2 ёки ундан ортиқ китоб ўқишини билдирган. Мана шу мисоллардан аёнки, инсонларнинг ҳаётда ва турли касбларда ютуқларга эришиши учун айнан китоб ва мутолаа ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Эътибор қилсангиз, тараққиёт йўлидаги барча давлатда ва жамиятда ўсиб келаётган авлоднинг замонавий таълим олишини қўллаб-қувватлаш баробарида болалар адабиётини ривожлантириш, шу орқали кичик ва ўсмир ёшдаги ўғил-қизларни китоб ўқишга рағбатлантириш учун янги-янги ёндашувларда бир зум ҳам танаффус қилинмаганига гувоҳ бўласиз. The Business Research Company томонидан тақдим этилган глобал статистикага кўра, дунё миқёсида болалар ва ўсмирлар учун китоблар бозоридаги ўсиш суръати 2023 йилда 11,76 млрд доллардан 2024 йилда 12,06 млрд долларга етган.

Дунёда аҳолиси энг кўп китоб ўқийдиган давлатлар рейтингида кучли ўнталикда етакчилик қилиб келаётган Хитой, Россия ва Испаниянинг болалар адабиётини ривожлантириш борасидаги ўзига хос тажрибаси билан танишиш асносида эса, таъбир жоиз бўлса, чалажон ҳолга тушиб қолган ўзбек болалар адабиёти “оёқда қалқиши” учун мавжуд муаммоларни ечишда велосипедни қайта ихтиро қилиш шарт эмаслигини кўрамиз.

## МУАММОМИЗ НИМАДА?

Маълумотларда келтирилишича, Испанияда 10-13 ёшли болаларнинг саксон фоиздан зиёди мунтазам равишда бадиий китоб ўқийди. Бу мамлакатда ҳар йили ўн минглаб номда юз миллионлаб нусхада китоблар нашр этилади ва уларнинг салмоқли қисми болалар китоб бозорига йўналтирилади. Ёш китобхонлар орасида қайси бадиий асарлар энг кўп ўқилаётгани доимий татқиқ қилинади.

Худди шундай, Россия китоб палатаси ва давлат кутубхонаси статистикасида 2023 йилда болалар адабиёти адад сони бўйича барча босма нашрлар ва брошюралар орасида 20,9 фоиз билан 2-ўринда турганини кўриш мумкин. Мавзу жиҳатидан таълим, маданият соҳасига оид ҳамда болалар даврий нашрлари бунда етакчилик қилса, 20,3 фоизи бадиий адабиётлар ҳисобланади.

Россия китоб палатаси рейтингига кўра, рус болалар ёзувчиси Корней Чуковскийнинг асарлари, 12 йилдирки, энг оммабоп китоблар рўйхатида пешқадамлик қилмоқда. 2023 йилда унинг “Мойдодир”и 1,1 млн нусхада чоп этилган. 2-ўринда Пушкин эртаклари турса (563,5 минг нусхада қайта нашр қилинган), Елена Ульева эртаклари ва энциклопедиялари 529,5 минг адад сони билан 3-ўринни эгаллаган. Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг ёш кесимидаги таҳлилида 18-24 ёшлилар кўпроқ китоб харид қилиши ойдинлашди. Мамлакатда 2023 йил ҳолатида аҳолининг 87 фоизида шахсий кутубхона бўлган.

Бу маълумотларни нима учун келтирдик?

Шунчаки қизиқиш нуқтаи назаридан Интернетдаги қидирув сайтларида Ўзбекистонда охирги йилларда қанча бадиий китоб нашр қилингани, уларнинг неча фоизи болалар учун мўлжалланган, аҳолимизнинг қанчаси китобхон-у бу ёш кесимида қандай натижага эгалигини излаб кўринг-чи?! Янги чоп этилган китоблар адади, мавзу йўналиши, номлар сони бўйича юртимиздаги нашриётларнинг ўз статистикаси бўлиши мумкин, бироқ, билишимизча, мамлакат миқёсида расмий равишда бу борада тизимли равишда статистика юритилмайди, ҳар йиллик, ҳар чораклик ҳисоботлар шакллантирилмайди ёки юритилса ҳам, оммавий ахборот воситаларида очиқланмайди. Лоақал мустақил институтларимиз томонидан аҳолининг китобхонлик даражаси мунтазам ўрганилади, дейишга иккиланамиз. Бинобарин, жамиятда кузатилаётган ҳар қандай муаммо ечимида, аввало, мавжуд ҳолат статистик ва социал ўрганишлар орқали баҳоланиб, сўнг натижадор чора-тадбирлар белгиланади. Фақат ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини юксалтириш моҳияти ва зарурати ҳақидаги ҳароратли гаплар ёки танқидлар билан, ҳайбаракаллачилик билан олдинга силжиш мумкинми? Қизиқ парадокс...

## МАЖБУРИЯТ ҚИЗИҚИШГА ЙЎЛ ОЧМАЙДИ

Бугун болаларимиз гаджетларга, компьютер ўйинларига боғланиб қолаётгани, уларни оилада, таълим масканларида китоб ўқишга қизиқтириш, бунда ота-оналар шахсий намуна бўлиши, шу орқали миллатни маънавий таназзулдан асраш кераклиги ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Тўғри, жамиятимизда болалар ўртасидаги китобхонлик даражаси билан мақтана олмаймиз. Бироқ фарзандларимизга “Китоб ўқинг!” деб хитоб қилаверган билан амалда уларнинг диққатини тортадиган, қизиқтириб, илҳомлантирадиган китобни қўлига тутқазмасак, натижа бўладими?!

Ўсмир ёшдаги ўғлимга пойтахтимиздаги китоб дўконларидан бирорта янги китоб харид қилмоқчи бўлсам, рус тилида, устига-устак бошқа давлат нашриётларида чоп этилган асарларни олишга мажбурман. Бу рус тилида бадиий асар ўқиш ўғлим учун қулайлиги билан боғлиқмас, балки у қизиқадиган замонавий бестселлер саргузашт асарлар (“Дети леса”, “Дети моря” сингари) ўзбек тилида йўқ. Таржима қилинмаган ва, табиийки, нашриётларимизда чоп этилмаган.

Айни пайтда юртимизда кичик ва ўсмир ёшдаги болалар учун замонавий китоблар таржимасида ўз мактабини яратаётган таржимонларни, Пўлат Мўмин, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон сингари болалар учун севимли бўла олган адибларни санасак, бармоғимиз ортиб қолиши тайин.

Бошқа тиллардан таржима қилинган, бадиий савияси ҳаминқадар, минг, 3 минг, боринг ана, беш минг нусхада юпқа муқовада, паст сифатли қоғозда чоп этилган эртак китобларга кутубхоналарда, китоб дўконларида кўзингиз тушган бўлиши аниқ.

Агар жаҳондаги замонавий ноширлик тенденцияларини кузатсангиз, бугун болаларни китоб ўқишга қизиқтириш учун креатив ёндашувларни кўриб, завқланасиз. Болалар учун 3D шаклдаги, мусиқали, овозли босма китоблар жаҳон бозорида янгилик бўлмай қолди. Ёки болаларнинг бадиий асарлардаги қайси сўзни қайси ёшда тушунишини кўрсатадиган дастурлар бор. Шунга қараб китоб нашр қилишда ёш категорияси кўрсатилади.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, Жанубий Кореяда яшаб, ўзбек болаларига бир неча асарлар туҳфа этиб келаётган ҳамюртимиз Динара Мўминова Facebookда шу мавзуда қизиқарли постларни жойлайди. Мана, куни кеча эълон қилган пости: “Жанубий Корея адабиёт, олий мусиқа ва санъатнинг бошқа оммавий турлари бўйича дунёда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бунга қайсидир маънода китобхонлик ҳам сабабчи, деб ўйлайман. Болаларни илм-фан билан бир қаторда ҳақиқий санъатга қизиқтириш бўйича ҳам кўплаб ишлар олиб борилади.

Бугун қўлимга жуда ноодатий китоб тушиб қолди. Да Винчининг “Мона Лиза” расмини бошқа рассомлар чизганида у қандай бўлар эди, деган саволга жавоб берувчи китоб. Китоб муаллифи таниқли рассом Пётр Барсони. Китобни ўз фарзанди учун ёзган. Матнда унинг фарзанди билан суҳбатини тинглайсиз.

Жуда қизиқарли ёндашув. Бизда ҳам Камолиддин Беҳзоднинг ижодини мана шундай содда, лўнда тилда тасвирлаб берадиган китоб бўлса, жон деб фарзандларимга олиб берган бўлардим”.

-Буюкликка болаликда асос солинади. Ҳар қандай буюклик негизида китоб ётади,- дейди ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти муаммоларини илмий асосда ўрганиб келаётган адиба.

## ДЎППИ КИЙГАН БОЛА СУРАТИ – БУ МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ЭМАС

Янги дунё болаларини ҳайратлантириш ғоятда мушкул. Улар замонавий ахборот технологияларининг шитобли ривожи таъсирида анчайин ақлли, зукко, шу билан бирга ҳиссий совуққон, психологлар таърифича, гиперактив. Бу болаларнинг бадиий тафаккурини, бадиий дидини шакллантириш учун ноширлик фаолиятида, юқорида қайд этганимиздек, янги, илмий-психологик хулосаларга таянилган, энг илғор технологияларга асосланган ёндашувлар сув ва ҳаводек зарур.

Геосиёсий зиддиятлар ортиб бораётган, Ер юзида инсон онги ва қалби учун кураш кескинлашаётган ҳозирги замонда мамлакат келажаги – болаларни китобсевар қилиб тарбиялаш, улар сийратида миллий руҳни сақлаб қолиш энг ишончли йўлдир. Лекин, унутмайлик, дўппи кийган бахтиёр болакай ёки қизалоқ сурати муқовасига туширилган китоб билан миллий контент яратилмайди.

Аслида болалар адабиёти ривожининг тамал тоши болалар даврий нашрларини такомиллаштириш орқали қўйилади. Газета-журнал ўқий бошлаган бола, сўзсиз, бадиий адабиётга ошно бўлади. Аҳолисининг салмоқли қисмини болалар ташкил этадиган мамлакатда болаларбоп газета-журналлар одам айтишга ҳам ҳижолат тортадиган ададда чоп этилаётгани, яъни, “зўрға нафас олиб” тургани эса аччиқ ҳақиқат.

Хулоса шуки, болалар адабиётини ривожлантириш учун жиддий эътибор қаратиш, нашриётлардан тортиб ижодкорларгача ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни ҳис этмоғи учун амалий ишларга ўтиш вақти келди. Йўқса, жамиятимизда илмсизлик, савиясизлик ортидаги иллатларга барҳам бера олмаймиз.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**“Ўзбекистон овози”**
**мухбири.**



# НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАШКИЛОТЛАРИ БАРЧА СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2024 ЙИЛ 22 НОЯБРЬ КУНИ «ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УШБУ ҲУЖЖАТ НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, СОҲАДА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН.**

Қарор билан 2030 йил 1 январга қадар нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари:

- барча турдаги солиқ (бундан ижтимоий солиқ мустасно) ва йиғимлардан озод қилинади;

- унда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўламайди.

- Шунингдек, 2030 йил 1 январга қадар нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг қуйидаги Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товар жиҳозларига божхона тўловлари тўланмайди (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно):

- замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари;

- компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар;

- ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар.

2025 йил 1 январдан бошлаб эса:

- нодавлат таълим ташкилотларига доимий жалб этиладиган хорижий мутахассисларга «А-2» ўқитувчилар кириш визаларини бериш жорий қилинади;

- давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан хориждан жалб қилинган мутахассисларга меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома бериш йиғим миқдори БҲМнинг 30 бараваридан 1 бараваригача камайтирилади;

- нодавлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти, педагогик маҳорат марказлари ҳамда белгиланган тартибда шакллантириладиган реестрга киритилган нодавлат малака ошириш ташкилотларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йўлга қўйилади.

**Ўз мухбиримиз.**



**ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИГА КЎРА, АҲОЛИ УЧУН ТУРЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ, ЖУМЛАДАН, АКЦИЯЛАР, ОБЛИГАЦИЯЛАР ЁКИ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ КАБИ ИМКОНИЯТЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЖАМҒАРМАЛАРНИ УЙ-ЖОЙГА ИНВЕСТИЦИЯГА ЙЎНАЛТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ КУЗАТИЛАДИ.**

# ПОЙТАХТ УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА НАРХЛАР ТУШМОҚДА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МҲТИ) мутахассислари томонидан пойтахтимиздаги кўп қаватли уй-жойларга инвестициялар даромадлилиги ўрганилди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида кўп қаватли уй-жой қурилишига йўналтирилган инвестиция даромадлилиги тушиб бормоқда. Жорий йил февраль ойида бу борадаги кўрсаткич ўртача 32,4 фоизни ташкил қилган бўлса, октябрда айни рақам 12,2 фоизгача тушган.

Февраль ойида пойтахтда уй-жой ва ижара нархлари нисбатан юқори бўлган ҳудуд – Шайхонтоҳур туманида уй-жой нархлари кўтарилиши ҳисобига кўрилиши мумкин бўлган фойда ўртача 35,8 фоизга етгани ҳолда октябрь ойига келиб 5,5 фоизгача пастлаган. Шунингдек, октябрда уй-жой нархлари ўзгаришидан олинадиган ўртача даромад Миробод туманида 23,2 фоиздан 1,9 фоизга ва Яккасарой туманида 16,1 фоиздан 3,5 фоизга қадар сезиларли даражада тушган.

Мирзо Улуғбек ва Учтепа туманларида уй-жой нархларининг ўсишдан деярли тўхташи ёки бироз арзонлашиши натижасида октябрь ойида мазкур ҳудудларда уй-жой нархлари ўзгаришидан олинадиган ўртача даромадлилик мос равишда -2,6 фоиз ва -2,4 фоиз бўлган (февраль ойида 24,6 фоиз ва 15 фоиз).

Бундан ташқари, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан уй-жойларни ижарага беришдан олинадиган даромад ҳақида ҳам маълумот берилди. Жорий йил октябрь ойида уй-жойлар ижарасидан олинадиган йиллик ўртача даромад Шайхонтоҳур туманида 10 фоиз (февралда 11,6 фоиз), Миробод туманида 9,8 фоиз (10,4 фоиз), Яккасарой туманида 9,5 фоиз (10,5 фоиз)ни ташкил этган. Ушбу рақамлар ижарадан келадиган ўртача даромад ўсиши секинлашганидан далолат беради. Таққослаш учун, 2023 йил январидан 2024 йил сентябригача бўлган даврда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси 21 фоиз бўлган.

Шу билан бирга даромадлилик даражаси бўйича 1 ва 2 хонали хонадонларнинг инвестицион жозибадорлиги юқори ҳисобланади. Февраль ойида 1 ва 2 хонали хонадонларга йўналтирилган инвестициялар даромадлилиги мос равишда 35,6 фоиз ва 30,8 фоизни ташкил этган бўлса, октябрь ойида ушбу кўрсаткичлар 16,7 фоиз ва 12,2 фоизга тушган. Мазкур даврда 3 ва 4 хонали хонадонлар учун даромадлилик кўрсаткичи сезиларли даражада пастлаган (мос равишда 10,1 фоиз (февралда 33 фоиз) ва 9,9 фоиз (30,3 фоиз)).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ривожланаётган давлатларда аҳоли жамғармаларининг уй-жойга йўналтирилиши қисқа муддатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ошириши мумкин. Аммо аҳоли учун диверсификацияланган инвестиция имкониятларини тақдим этиш муҳимдир. Шу йўл билан аҳоли жамғармалари нафақат сақланиши, балки миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция қилиниб, янада кенгроқ ривожланиш имконини беради.

Таҳлилда тегишли маълумотлар olx.uz платформасидан веб-скрейпинг орқали олинган бўлиб, бунда ижара нархи учун салкам 740 минг ва сотув нархи учун 1500 мингга яқин маълумотлардан фойдаланилган.

Эслатиб ўтамиз, октябрь ойида уй-жой бозорида бироз ўсиш кузатилиб, сўнгги икки ойдаги пасайиш тўхтаган. Иккиламчи бозорда нархлар деярли ўзгармаган, уй-жой ижара бозоридаги вазият ҳам барқарорлашган. Тошкентда энг арзон уй-жой ижараси Бектемир ва Сергели туманларида кузатилмоқда (1 кв метр учун 6 доллар).

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

# ОЛОВРАНГ ЧАҚИРИҚ



**1981 ЙИЛДАН БУЁН 25 НОЯБРЬ ДУНЁ БЎЙЛАБ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ СИФАТИДА НИШОНЛАНИБ КЕЛИНАДИ. 1999 ЙИЛ 17 ДЕКАБРДА ЭСА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ БИЛАН МАЗКУР САНА “ХАЛҚАРО АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ КУНИ” ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Бу ташаббус жаҳон жамоатчилиги томонидан фаол қўллаб-қувватланиб, мана, неча йиллардирки, дунё миқёсида 25 ноябрдан 10 декабргача “Зўравонликка қарши 16 кун” акцияси ўтказилади. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши глобал кампания жаҳондаги 180 дан ошиқ давлатда юз миллионлаб инсонларни қамраб олганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Гендер зўравонлик макон ва миллат танламайди, ижтимоий ёки иқтисодий чегара билмайди. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам, ривожланган давлатларда ҳам бу муаммо мавжуд. БМТ маълумотига кўра, Ер юзида 15 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл ҳаёти давомида камида бир марта жисмоний ёки жинсий зўравонликка учрар экан.

Рамзий белгиси оловранг бўлган “Зўравонликка қарши 16 кун” акциясини ўтказиш юртимизда ҳам анъанага айланган. Зотан, хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида рўёбга чиқарилаётган ишларнинг қамрови ва суръати эътирофга лойиқ. Жаҳон банки индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилгани, Очиқ гендер маълумотлар индексида энг яхши 20 та давлат қаторидан жой олгани бежиз эмас.

Аёлга муносабат оиланинг ва жамиятнинг маънавий-маданий даражасини белгилайди. Шу маънода опа-сингилларимизнинг барча соҳада ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янгиланган Конституциямизда, “Тараққиёт стратегияси – 2030” ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Лекин оилада ва жамиятда турли тазйиқ, зўравонлик ёхуд камситилишларга дуч келаётган хотин-қизлар йўқ эмас. Уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини тиклашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш жараёни изчил давом этмоқда.

Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар кенг жамоатчилик диққатини яна бир бор ушбу долзарб масалага қаратиб, аёллар учун хотиржам, бахтли ва фаровон ҳаётни яратишга ҳисса қўшишга ундайди.

Акцияда фаол бўлайлик!

**Гавҳар КАРШИЕВА,**
**ЎзХДП Ёшлар қаноти фаоли.**






**Куз-қиш мавсумида табиий ва техноген тусдаги офатларнинг олдини олиш, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан-да долзарблашади. Аҳоли хонадонларида, ижтимоий объектларда, корхона-ташкилотларда иссиқлик таъминотини сақлашда озгина эътиборсизлик ҳам ёхуд хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик баъзан “тилсиз ёв” – ёнғинни келтириб чиқариши, бу эса турли талофат ва жиддий зарарларга сабаб бўлиши маълум.**

# “ТИЛСИЗ ЁВ”ДАН САҚЛАНИНГ!

Статистикада келтирилишича, ҳар йили дунё миқёсида 8 миллионга яқин ёнғин содир бўлади. Ёнғинларда ҳалок бўлганлар сони йилига 90 минг кишига, бир кунда 246 кишига ва бир соатда 10 кишига тенг экан. Ўрганишлар бу ҳалокат аксар ҳолларда одамларнинг бепарво хатти-ҳаракати ва хатоси сабаб юзага келишини кўрсатади.

Худди шундай, мамлакатимизда ҳам ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, аҳолининг маиший ҳаётида ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ёнғинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бераётганини инкор қилолмаймиз. Жумладан, ўтган йили республикамиз бўйича 10 минг 204 та (шундан тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларда 797 та) ёнғин ҳодисаси юз бериб, унда 251 нафар фуқаро жабрланган. Ачинарлиси, уларнинг 79 нафари вафот этган, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга 270,4 млрд сўмлик зарар етказилган.

Ёнғинлар атроф-муҳитга катта зарар етказиши, инсонлар ҳаёти ва мулкига таҳдид солиши мумкинлигини унутмаслик керак. Бундай талофатларнинг олдини олиш ва оқибатларини минималлаштириш учун ёнғинга қарши курашишда янада масъулиятли хатти-ҳаракатлар, асосийси, эҳтиёткорлик зарур.

Шу маънода мамлакатимизда анъанага кўра бу йил ҳам 15 ноябрдан 15 декабрга қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилиши жамоатчиликнинг айни масалага яна бир бор диққатини қаратиш, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашиш усуллари ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш, хавфсиз ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш, давлат органлари, жамоатчилик ва фуқаролар кучларини бирлаштирган профилактика тизимини яратиш мақсадларига хизмат қилади.

Мазкур ойлик доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги етакчилигида жойларда кенг кўламли тадбирлар назарда тутилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда, таълим масканларида, корхона ва ташкилотларда учрашув ва тушунтириш ишларини ўтказиш белгиланган бўлиб, уларда ёнғин хавфсизлиги - бу фақат қоидалар эмас, балки ҳар бир кишининг ўзи, яқинлари ва жамият ҳақида ғамхўрлик қилиши эканини аҳолига чуқур етказишга урғу берилаётир. Бундан ташқари, иситиш печлари ва газ мосламаларидан фойдаланиш қоидалари, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, ис газидан заҳарланиш ва бошқа кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган эслатма, йўриқнома ва плакатлар тарқатиляпти.

Шу ўринда ёнғин хавфсизлиги шартлари борасида яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда уй-жойлар ва бошқа объектларни қуриш ҳамда пардозлаш ишларида таркиби асосан кимёвий бирикмалардан таркиб топган бинокорлик материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу турдаги материаллар ўрнатиши осон ва қулайлиги, арзонлиги ҳамда замонавийлиги билан харидоргир. Бироқ уларнинг ёнувчанлик хусусияти ҳам юқоридир, яъни, тез ёнади ва эҳтимолий талофат кўлами ҳам катта бўлади.

Жойларда ўтказилаётган учрашувларда, аҳоли билан мулоқотларда мана шундай қурилиш материалларидан барпо этилган турар жойларда хавфсизлик шартлари нималардан иборат бўлишини тўлиқ тушунтиришга ҳаракат қилинаётир. Қурилиш, таъмирлаш ишларида, кундалик турмуш тарзида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъиян амал қилиш сўралмоқда.

“Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” муносабати билан бугунги кунда ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари масъуллари секторларга бириктирилиб, тун-у кунлик навбатчиликлар йўлга қўйилган.

**Мўминжон ЎРАЛОВ,**
**Навоий вилояти Хатирчи тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан,**
**Анвар ҲАЗРАТОВ,**
**ФВБ профилактика ва назорат бўлинмаси катта инспектори, лейтенант.**

MUASSIS:
O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV
MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Г — 1037. 3271 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.